



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМНА СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



28 июн
чоршанба
Сотувада эркин нархда
№ 123 (2420)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



Хамкорлик

ХАЛҚАРО ЛОЙИХА ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг халқаро алоқалари кенг йўлга қўйилмоқда. Халқаро ТАСИС лойиҳаси доирасида ҳам агентлик ва унга қарашли корхона, ташкилот ҳамда илмий марказлар самарали хамкорликни амалга оширмоқдалар.

Таъмир ишлари жадал

Наманган вилояти халқ таълими ходимлари мактабларини янги ўқув йилга тайёрлаш ишларини барвақт ихтиёсига етказишга аҳд қилишди. Вилоят ҳокимлиги уларга мадад қилини чўзиб, махсус қарор билан халқ таълими муассасаларига ердан бериш ойлгини эълон қилди. Мактабларни таъмирлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларига оталиқ ва ҳимий ташкилотлар кенг жабб этилди.

Манфаатдорлик

“САХОВАТ”НИНГ ХАРИД КОРХОНАСИ

Навоий шаҳридаги “Саховат” хиссдорлик жамиятида савдо харид корхоналари сонинг ўсаяти. Улар пишиб етилган мева, сабзавот, полиз, гўшт-сут ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини деҳқонларнинг ўзидан харид қилишни йўлга қўйди.

Анжуман

«ИПАК ЙЎЛИ — ТЕАТР САЁХАТ»

Қарши шаҳридаги М. Тошмухамедов номли вилоят мусикали драма театрида шундай лойиҳа доирасида ўтказилаётган «Муаллифлик театрлари учрашувлари» II халқаро фестивали бошланди. У 25 июнга давом этади. Шу вақт мобайнида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон республикалари санъаткорлари ўзлари тайёрлаб келган саҳна асарларини томошбинлар ҳўкмига ҳавола этди. Германиянинг «Ан дер Рур» театри бадий раҳбари Роберто Чупининг айтишича, «Ипак йўли — театр саёхат» лойиҳаси «Мулоқот» театр студияси билан хамкорлик натижасида юзага келди. Зеро, театр элларни элларга, дилларни дилларга яқинлаштиради.

Таблим

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВФА

Бастакор Дилором Омонуллаева ва шоир Пулат Мўминнинг иқодий хамкорлигида яратилган «Алифбо қўшиқлари» дарслиги ўқувчиларнинг мусикий саводчилигини оширишга хизмат қилади. Ундан 28 та қўшиқ матни ўрин олган бўлиб, алифбо ҳарфлари тартибида берилган. Дарсликка асарларнинг 29 қўшиқ аса «Алифбо байрами» деб номланди, биринчи синф мусика таълимига яқин эсиди.

Лотин ёзувида асосланган бу дарслик янги ўзбек алифбосида кўп нусхада чоп этилди.

Хордж

ЯНА БИР СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ

Тошкент вилояти касаб ва уошмаларига қарашли санаториялар яна биттага кўлайди. Қиёраб туманида очилган «Умид-Гулшан» янги соғломлаштириш маскани 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, у гинекологик муолажга мўҳтож аёлларга хизмат қила бошлади.

«Халқ сўзи», «УЗА» ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Журналистлар байрами

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар, демократик ислохотларнинг фалд иштирокчиси, юртдошларимизни эркин фикрлашга ундавчи ва руҳий уйғоқликка даъват этувчи катта кучга айланиб бормоқда.

Ўзгаришлар журналистларини демократия тасвибликларини шакллантиришда муваффақиятларга эришганларига ташаккур айтганимизни тасдиқлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлланган табригини» Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Давлат маслахатчиси К.Султонов ўқиб эшиттирди. Айтуш жоизки, мустақиллигимизнинг илк даврларидан журналистларнинг муваффақияти ҳақида тинимсиз гамўрулик кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида халқимизни турли ёт гоявий таҳдиқлардан ҳимоя қилиш, миллий истиклол маъниси, кўрсаткичи шаклланиши бора-бора матбуот ходимлари зиммасига мўҳим вазифаларни юкляди.

Маълумки, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштиришда ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан хар йили «Йилнинг энг яхши журналисти» танловининг ўтказилиши яхши аънаънага айланган. Байрам тадбирида маъруза таловининг бу йилги гоялиблари — «Саодат» журналининг мухбирлари ўринбосари К.Раҳимов, Ўзбекистон телевидениесининг «Тахлилнома» дастури

бошловчиси Л.Мервинская ва «Халқ сўзи» газетасининг Кашқар вилояти бўйича мухбири Н.Рахмоновага жамғарманнинг дипломлари топштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Давлат матбуот, Жисмоний тарбия ва спорт, Божжона кўмиталари, Муҳофаза, Ички ишлар, Халқ таълими, Маданият ишлари, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги сингари вазирликлари, бошқа идора ва ташкилотлар ҳам фалд жўрналистларга ўз совринларини берди.

Таниқли санъаткорларнинг мусикий чиқишлари байрамга алоҳида руҳ ва кўтаринкилик бахш этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси А.Мелиқов, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев катнашди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

Ишонч, умид, масъулият

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўлланган байрам табриги журналистларга ана шундай кайфият бахш этди

Нарзулла РАВШАНОВ, «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови гоялиби:

«Мен бу табриқдан гоят тўққунликим кетдим. Доно халқимизга мўносиб эътибор эътибори бўлиб хар бир журналист учун шараф, аммо осон эмас. Ана шу осон бўлмаган ишнинг ундавчида чиқиш, халқнинг кўнгилни топиб айтиш, маънавий уйғоқликка чорлаш...»

«Хўш, биз халққа мўносиб сўзлашмоқчи бўлиш учун нималар қилаёмиш? Илганишларимиз қай даражада? Назаримда, ўзимизга шундай саволларни бериб, фаолиятимизга танқидий ёндашмоқчимиз керак. Шунда кинимаслик ҳисси пайдо бўлади. Кинимаслик эса албатта, янгиликка ундайди, ташаббускор бўлишга чорлайди.»

Сандмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири:

«Сир эмас, бугун мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларда «тўртинчи ҳокимият»нинг, яъни журналистларнинг ўрни ва фаолияти сезилипти. Буни мамлакатимиз Президентининг бизга йўлланган байрам табриги ҳам тасдиқлайди. Очиғи, мен Юрбошимизнинг табриғидан чуқур гурур ва ифтихор туйдим. Ва, айни пайтда елкамизда катта масъулият ва вазифалар борлиғига ҳам ана бир бош ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, табриқдаги матбуот жамиятимиз миллий истиклол мафқурасининг шаклланиши-

Мухбирларимиз кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек истироҳот бондида бўлиб ўтган тадбир чоғида бир қатор оммавий ахборот воситалари ходимларига «ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАБРИГИНИ ЭШИТИБ КЎНГЛИГИЗДАН НИМАЛАР КЕЧДИ?» деган савол билан мувожаот қилди.

«Хўш, хар қандай сенсацияга ариғлик ҳодиса ҳам фикр билан сўғорилмас, куруқ ва улик информация бўлиб қоларди. Янгиликларни тилга қоғозга ўрасангиз ҳам маънан кинимасликка қолаверади. Фикр эса жанда чопнинг ичиди ҳам қадрини йўқотмайди ва эл назаридан четда қолмайди. Мўҳими, бизга энг улуғ мезон маърифатнинг ўзи бўлиши керак. Ва бизнинг курулишимиз факат тафаккур бўлмоғи шарт. Ана шунда матбуот ҳодимлари ҳам ўзларини танқидий ва хизматчи ҳисси ҳўсса қилиб қарамоқ керак.»

Президентимизнинг кунги кеча матбуот ходимларига табриғи ҳам бизни айнан янги ва юксак фикрлар билан қўлга киритди. Бизнинг кўнглимизда нимада эканлигини аниқлашга, матбуот ҳақиқий маърифат намунаси эканлигини аниқлашга ундайди.

Ҳўклар ТўЙМАНОВА, «Маърифат» газетаси бўлим мудир:

«Оқ қоғоз — оқлик, умуман, оқ нарсанинг ўзи поклик. Қалам аҳлининг ташвишлари ҳам ана шу оқликда. У ана шу

оқликда ўрлиб, ана шу оқликда қўяманиб, ана шу оқликдан баҳра олиб яшайди.

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриқ хати ҳам биз журналистларга оқ қоғозлар орқали етиб келди. Ундаги сатрларнинг уйр эканлиги, оқ қоғоз ва қалам менга абадий хамроқ эканлигидан, эҳтимол, мингичи марта фахр-ифтихор туйган бўлсам керак. Журналист жамиятидаги вояке-ҳодисаларнинг нафақат хабарчини, балки тадиқотчиси, танқидчиси ва фидойисини ҳамдир. Зеро, буни ҳаётнинг ўзи ифодалаб, кўрсатиб турибди.

Газетада, радиода, телевидениеда ишловчи ҳамкасбларимизни халққа яқин қилиб турган бўлса хижоат бор. У ҳам бўлса, халқнинг юрагини тинглаш ва унинг дардини оқ қоғозга тўқиб, ҳулосалар ясашидир. Бошқа касб эгаларидан яширган гапларини ҳам халқ журналисти айтди, тўқиб солади ва ундан наҳот кутади. Бу наҳот, албатта ҳақиқат, адолат, диёнат, ишонч, эҳтиқод, садоқат, муруват, муваббат каби дунёвий тўтиб туришчи мезонлар билан ўлчанадики, буни журналистнинг унуттишга, бўёб-бежашга, хаспўлашга ҳаққи йўқ. Журналист меҳнатини машаққати ва заҳматларини ҳам шунда, деб биламан.

Сиз қандай фикргасиз, замондош?

«Миллий мафкура нима, билсанми?» деган саволимиз эшитиб кетмоғига суянди-да. «Хўш... Менимча... — ден бир кўнги қисиб ҳавога ҳодирлик кўриб, қилин эса чуқур ўйга толди. Назаримда, бу лавзада ҳаёлимга қул гал келди. Бу ҳўн вужудини қамраб олган ҳўқонини тўғуни айтмоқчи бўлимоқчи, қўнгида гапларга мўносиб ифода тополмайди, шекилли... — Мана бу саволларга суз қўйиб олган...»

Жўрамга нега бу саволни берганимни сира тўқунломайман. Бу мавзу қандай тилга қилиб қолганига ҳўқораман. Кўёш лаҳза сайин ўқини олранга бўёб ётоғига шошилар, жўрамиз эса, менинг ҳен қўтилимаган саволидан ақабланиб бўлса керак, жўлмайган кўн сўзга тўлаётган ҳўқарларга тикилиб туради.

Жўрамиз мактабда ўртача ўқирди. Энг катта орузси «ЗИЛ» машинасини жайдаб эди. Бахтисиз тасодиф тўғуриги унғ оёғининг бармоқларидан ақарди. Орузу ўлмас, кўнги эса қаримас экан. Уланди. Алоҳида иморат солиб ҳовлини уқаларига ташлаб чиқди. Икки ўйил, икки қизил бўлди. Жўрамиз катта канал бўйида истикомат қилди. Баъзан кўрғонда ўтириб асарлаб йўлда елмо-юқураётган машиналарни томоша қилганда. Ҳоҳида икки кўнги оқликда қўнби ҳўқилан руни тутарида. «Вим-вим» деб юборганини ўзи ҳам билмай қўлади.

Миллий мафкура ҳақида энг тасаввурга эга бўлмаган жўрамизнинг Зафар ва Даврон исми ўқиларди бор. Зафар, албатта, шифқор. Даврон эса «КАМАЗ» хайдоқчиси бўлади. Жўрамиз ҳам, хотини Дилбар ҳам нафақасўр. Аммо нафақасўрлиги уларнинг илти қурти боқишга, эзда далада ишлашга, кузда эса қўнлари етганда пахта тешишга сира ҳалақит бермайди. Жўрамизнинг яна бир ҳўқар саргарошлик. Миқозларни асосан юрломийдаги, турломийдаги кўса саёллардан. Унда талабот қўса. Чекка-чекка қишлоқлардан ҳам одамлар машинида келиб, уни олиб кетишди. Сўнги нафасини олаётган беморга ҳам «Фалончи бобо», бугун чекрангиз тиник, кўнгиғиз қачақ турибди. Халемай

Вилоятларга

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Демократик жараёнлар тобора чуқуралиб бораётган мустақил юртимиз ижтимоий ҳаётида ҳокимият вакиллик органларининг роли қандай бўлиши лозим? Махаллий кенгашларнинг депутатлари, доимий комиссиялари юртимизда тўй бераётган тўй ўзгаришлар, янгиликлар жараёнларини қандай илғаб олияпти, ўз фаолиятларини замона руҳига мослаб иш юриштиришми? Фарғонада бўлиб ўтган ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократиялаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш мавзусидаги семинар-кешада шу масалаларга жавоб излашга ҳаракат қилинди.


Одатда бундай йиғилишлар мавзун узундан-узққ маърузалардан иборат бўлар эди. Бу галги машварат эса мулоқот тарзида борди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Г. Маъруфованинг маърузасидан тортиб, маъмурий органларнинг раҳбарларига демократик жамиятда фуқароларнинг давлат бошқарувидagi иштироки, демократик тамойиллар, қадриятлар ва институтлар қўндалик ҳаётга қай даражада сингиб бораётганиги масалалари қамраб олинди. Сессияларнинг йилига икки марта ўтказилиши бу озми-кўпми? Гап фақат сессиялардами, деган масалаларга ҳўқоқам қилинди. Айниқса, ўтган йилнинг декабр ойида бўлиб ўтган сайловларда номзодларнинг фаолиги қоқори даражада бўлганлиги, лекин улар сайлангандан сўн нафақат фаолиятлари, балки сайловлардан билан бўлган учрашувлари, мулоқотлари кескин суясиб кўнганлиги танқид қилинди.

Йиғилишда асосий кўнланган мақсад шахар ва туманлар ҳокимлик органларининг вакиллари, маҳаллий кенгашлар доимий комиссияларининг раислари ўрта-сидаги жонли мулоқот, ўзаро фикр алмашиш бўлди, дейиш мўкин. Шу нараса очик айтилдики, айрим шахар ва туманларда доимий комиссиялар замона руҳида келиб чиқиб, ташаббус кўрсатишга элтири. Олтириқ, Дангара, Риштон, Бағдод туманларида йил давомида кўриб чиқиш учун 3-4 тадан масалалар режалаштирилган, ҳолоқ. Ҳолбуки, бу комиссиялар 10-12 тага салани кўриб чиқишлари тасвия этилади. Ўзбекистон, Қува, Фарғона, Риштон туманларида эса доимий комиссиялар мўҳим ва долзарб масалалар четда қолиб, анчайин маҳаллий, давр руҳини, замон талабини ақс эттирмайдиган майда масалаларни мўҳоқам қилиш билан чегараланиб қолганлиги йиғилиш қатнашчилари томонидан танқид қилиб ўтилди.

Хуллас, бу мўҳим семинар-кеша 600 дан зиёд вилоят, шахар, туман кенгашлари депутатларининг фаолиятини йўналтиришда мўҳим кадам бўлди.

Шунингдек, Бўҳоро, Жиззах, Самарканд, Сурхондарё вилоятлари ва Қоракўлпоғистон Республикасида ҳам ана шу масалалар бағишланган семинар-кешалар бўлиб ўтди. Унда йиғилган фикр-мулоқазаларнинг очик-ўйдин айтишди. Яхши тажрибалар билан ўртоқлашди. Камчиликлар ҳам рўй-роқ қайд этилди. Зеро, ундан қўтирган мақсад битта — у ҳам бўлса ҳокимият вакиллик органларининг мавқеини ошириш, ишини яхшилаш.

Ўз мухбирларимиз.



Самарқанд вилоятида бу йилги пилла ҳосилни қайта ишлаш бошлаб юборилди. **СУРАТА: Булуғтур тумани бош пиллаҳонаси лабораториясида иш қизгани.** **Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.**

Улар қобил фарзандлар ўстиришини, ана шу фарзандларни пешона тери билан топишган нон билан боқшини, уларга агаб дарахлар эккини, яхши ҳўнарга эга қилишни оруз қилиб яшашди.

«Мен Зафарнинг шифқор бўлишга, Давроннинг албатта «КАМАЗ» хайдоқчиси астойдил ишонаман. Бу кўн қишлоқимизга, албатта, ўршада бедарак кетган 29 ёшли Раҳмон акадан асарга йўлт со-омон қайтиб келди. Ана шу бўз асарини 65 йилг Даувурбой исми угли ва бир этак чевара-чеварларни кўнб олмишди.

Бу одамлар, уларнинг фарзандлари йиллар оша яхши ният билан боғлар яратишди. Тераклар эзолашди. Иморатлар солашди. «Жонли» номининг, номинишонсин кетган ота, фарзандлари билан ич-иқандан фехланандиган, уларга умид қўн билан қарай диган бу одамларнинг зўр бир мавзуга қич қарамонлар қилиб танланганимиздан ажабланишлари мўкин. Уларни тушунас бўлади. Ахир қандайдир қандай номдор ва эл танқили қарамонлар бор. Аммо негадир мен ўз қарамонларимдан нари сира уша машҳур одамлардан иста қўйгим келмайди. Турчи, улар Вантан, юрт ҳақида ҳен қачон гапирмайдилар. Эҳтимол, улар бу тўғрида суз қўнришга тортинувлар ҳам.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 45-модда; 1993 йил, № 9, 329-модда) **12-моддасининг** иккинчи қисмида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни ташкил этар экан" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **"Ижара тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 45-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 329-модда) **12-моддасининг** иккинчи қисмидаги **иккинчи** жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Бунда, башарти давлат мол-мулки ижарага берилган бўлса, ижара ҳақи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланиши лозим".

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган **"Алоқа тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 3, 159-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) **2-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Алоқа соҳасидаги муносабатларнинг объектлари почта жўнатмаларини қабул қилиш, ташин ва кўрсатилган жойга етказиб бериш воситаларининг йиғиндиси бўлган почта алоқаси тармоқларидан ҳамда бир ёки бир неча узатиш турларини: телефон, телеграф, факсимил узатишлари, ҳужжатли хабарларнинг бошқа турлари маълумотларини узатишни, телевидение ва радиосиғдириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникациялар воситаларини йиғиндиси бўлган телекоммуникациялар тармоқларидан иборат";

2) **4-моддасидаги** тегишли қилишдаги "Олий Кенгаши" деган сўзлар шундай қилишдаги "Олий Мажлиси" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **5-моддасининг биринчи қисмида** "Президенти ҳузурдаги" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **6-моддасидаги** "якка тартибдаги, жамоа, давлат ва аралаш" деган сўзлар "хусусий ва оммавий" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **7-моддаси** чиқариб ташлансин;

6) **8-моддасининг** **учинчи қисмидаги** "Муайян эгалликдаги ер ҳудудлари", "алоқа коммуникациялари" ва "бундай коммуникациялари" деган сўзлар тегишлича "Ер участкалари", "телекоммуникациялар линиялари" ва "бундай линиялари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги "алоқа коммуникацияларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги "алоқа коммуникациялари" деган сўзлар "телекоммуникациялар тармоқлари ва иншоотлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **9-моддаси** чиқариб ташлансин;

8) **11-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Почта ва телекоммуникациялар кўрсатадиган универсал хизматларнинг тарифлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан тартибга солинадиган.

Почта ва телекоммуникациялар кўрсатадиган хизматларнинг қолган турлари тарифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида белгиланади".

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги Қонунининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган тахрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 97-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни, олдиндан (камда икки ой олддин) маҳаллий меҳнат органига мўлжалланган ишдан озоқ қилишлар тўғрисидаги ахборотларни бўшаб қоладиган ҳар бир ходимни қўрсатган ҳолда тақдим этиш. Бўш иш жойларининг бора-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳамда ходимларнинг ишдан озоқ қилиниши тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади".

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) **34-моддасининг**:

1) **учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Атроф табиий муҳитга фидослантурувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик учун ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов меҳкорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади";

2) **саққizinчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Атроф табиий муҳитга фидослантурувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик учун ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштирганлик учун тўлов тушуми, шунингдек бу маблағлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади".

VI. 1993 йил 7 майда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда):

1) **2-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланувчиларнинг барчаси фаолиятга, шу жумладан авиация фаолиятига таалуқли муносабатлар республика ҳудудида ушбу Кодекс, республиканинг бошқа қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан, шунингдек тегишлича Авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудда фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудда давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари билан тартибга солинади";

2) **3-моддасининг матнида** "57" рақами чиқариб ташлансин;

3) **29-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан ўзга давлатнинг муайян аэродромга мулк ҳуқуқи асосида (аэродром эгаси), ижара шартномасига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга қўра тегишли бўлган ҳамда аэродромнинг мувофиқлик сертификати тўғрисида ага бўлган юридик шахси ёки фуқароси шу аэродромнинг эксплуатанти деб эътироф этилади";

4) **30-моддаси:**
иккинчи қисмининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Аэродромларнинг, шунингдек улардаги асбоб-ускуналarning фойдаланишга яроқлилиги нормалари ва уларни сертифицилаштириш тартиби";

учинчи қисмидаги унинг фойдаланишга яроқлилиги ҳақида сертификат деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **62-моддасининг иккинчи қисмидаги, 64-моддасининг учинчи қисмидаги, 65-моддасидаги, 66-моддасининг учинчи қисмидаги, 71-моддасининг учинчи қисми ва 73-моддасидаги** тегишли қилишдаги "Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудда фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ёки Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудда давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **77-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"77-модда. Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлар ва ҳаво йўллари

Ҳаво транспортида халқаро қўламда ташишга мўлжалланган, бохжона, чегара ва санитария-карантин назорати таъминланадиган аэропортлар, аэродромлар ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлар деб эътироф этилади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлари оқиб ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Халқаро ҳаво йўллари оқиб ҳақидаги қарор Авиация маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий ҳавфсизлик хизмати билан қилинган ҳолда қабул қилинади.

Ҳаво кемаларининг халқаро парвозлари учун мўлжалланган аэропортлар, аэродромлар ва ҳаво йўллари оқиб тартиби Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан белгиланади";

7) **92-моддасининг биринчи қисми** "шаҳар аэровокзалида ёқуд" деган сўзлардан кейин "аэродромда" деган сўз билан ўзгарилади.

VI. **"Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 248-модда) **2-бандининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида баён этилган Авиация маъмуриятининг вазирларини Ўзбекистон Республикаси Парвозлар ҳавфсизлиги назорати давлат инспекцияси зиммасига оқласин".

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **"Давлат статистика тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 327-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда):

1) **4-моддасидаги** "Истиқболли белгилаш ва статистика давлат қўмитаси (Ўзбекистон)" деган сўзлар "Макроэкономик ва статистика вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** "Истиқболли белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг" деган сўзлар "Макроэкономик ва статистика вазирлигининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **7-моддасининг иккинчи қисмидаги** "Истиқболли белгилаш ва статистика давлат қўмитаси" деган сўзлар "Макроэкономик ва статистика вазирлиги" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **13-моддасининг иккинчи қисмидаги** "барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестри" деган сўзлар "Барча мулк шаклларидagi ва ҳўжалик юритишининг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат реестри" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **15-моддасининг ўн иккинчи қисмидаги** "Ўзбекистон Республикаси ҳисобот (статистика) бирликларининг давлат реестрининг" деган сўзлар "Барча мулк шаклларидagi ва ҳўжалик юритишининг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат реестри" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда):

1) **11-моддасининг 13-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"13) депутатларга Олий Мажлис депутатларининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради";

2) **17-моддасининг саққizinчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан кейин ўз фаолиятларини тўхтатдилар";

3) **22-моддасининг** **учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳўжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳўжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, таққирый сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайлови ўтказилаётган таққирда эса икки кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилилади";

Ўн иккинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўққир тўққирланганини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, таққирый сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайлови ўтказилаётган таққирда эса икки кунлик муддат ичида тегишли баёни Марказий сайлов комиссиясига топширади";

4) **42-моддаси биринчи қисмининг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **47-моддасининг матнида** "алифбо тартибда" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **48-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"48-модда. Олий Мажлис депутатларининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини

Олий Мажлис депутати Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини Марказий сайлов комиссияси томонидан берилди. Олий Мажлис депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини оқиб тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланади".

X. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **"Стандартиштириш тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда):

1) **2-моддасининг учинчи қисмида** "рўйхатга оладилар" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **3-моддасининг учинчи қисмидаги** "ахборот жамғармаларини" деган сўзлар "тармок ахборот жамғармаларини" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-моддаси:**
биринчи қисмининг учинчи қисмидаги "стандартлари" деган сўз "давлат стандартлари" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўққирлансин:

"маъмурий-ҳудудий стандартлар";

модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўққирлансин:

"Давлат ягона ва узлуқсиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади";

иккинчи, учинчи, тўққиринчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саққizinчи, тўққizinчи ва ўн иккинчи қисмлари тегишлича **учинчи, тўққиринчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саққizinчи, тўққizinчи, ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўққирлансин:

"Улар халқаро савдо-сотик учун ортиқча тўққиринликлари вужудга келтирилмаслиги лозим";

саққizinчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Истеъмолчилага реализация қилинадиган махсуслотта доир стандартлар ва уларга киритилган ўзгартишлар "Ўздавстандарт" органларида ҳақ олмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. "Ўздавстандарт" органларида рўйхатдан ўтган стандартлаштиришга доир норматив ҳўжатлар давлат ахборот жамғармасини ташкил этади";

4) **9-моддаси учинчи қисмининг тўққиринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"теққиринлигидан махсуслот стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни таққиклаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлайтишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида қўрсатмалар бериш";

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **"Метрология тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 48-модда):

1) **1-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан тўққирлансин:

"ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш" – ягона намуналарда ишлаб чиқариладиган (ёки Ўзбекистон ҳудудига ягона намуналарда олиб қилиладиган) ўлчов воситаларининг ҳоссаларини сиқиқлаб таққир этиш асосида улар қўлланиши учун ҳаққоний эканлигининг метрологик хизмати томонидан эътироф этилиши;

"метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш" – ўлчовларнинг ягона биригичини таъминлаш ишларини аккредитация қилишни белгиланган соҳада ўтказишга метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларининг ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

"ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун юридик шахслар метрология хизматининг аккредитация қилиш" – юридик шахслар метрология хизматининг белгиланган соҳада ўлчов воситаларини калибрлашдан ўтказишга ваколатли эканлигининг расмий эътироф этилиши;

"ўлчовларнинг бажарилиш услубитларини метрологик аттестация қилиш" – ўлчовдаги хатolik ҳусусиятларини таққир қилиш ва бохолош;

"давлат метрология текшируви" – ўлчов воситаларининг турини таққир қилиш ва текширувдан ўтқизиш, уларнинг тайёрланиши, таъмирланиши, сотилиши ва ижарага берилишини лицензиялаш бўйича давлат метрология хизмати томонидан амалга ошириладиган фаолият";

2) **8-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги жумла билан тўққирлансин:

"ўлчовлар белгиланган тартибда аттестация қилинган ўлчовларнинг бажарилиш услубитларига мувофиқ ҳолда амалга оширилиши лозим";

иккинчи қисмидаги "аттестация" деган сўз "метрологик аттестация" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **14-моддаси биринчи қисмининг тўққиринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"савдо-тиҳорат, бохжона, почта ва солиқ операцияларини ўтқизиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш";

4) **15-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Давлат метрология текшируви қуйидаги тарзда амалга оширилади:

ўлчов воситаларининг турларини сиқиқ ва таққир қилиш; ўлчов воситаларини метрологик аттестация қилиш; ўлчов воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтқизиш, калибрлаш; ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубитларини сиқиқ, текширувдан ўтқизиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчов воситаларини ва метрология фаолиятининг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, реализация қилиш, ижарага беришга доир фаолиятини лицензиялашга маққур шахсларнинг белгиланган метрология қоидалари ва нормаларига риоя этишиларини гувоҳлантириш (аттестация қилиш).

Давлат метрология назорати ўлчов воситаларини, шу жумладан ўлчам бирикларининг эталонларини чиқариш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши, белгиланган метрология қоидалари ва нормаларига риоя этилиши устидан, шунингдек аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари ва лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади.

Зарур ҳолларда "Ўздавстандарт" қарорига биноан метрология текшируви ва назоратининг бошқа турлари ва шакллари ҳам белгиланиши мумкин";

5) қуйидаги мазмундаги **17-модда** билан тўққирлансин:

"17-модда. Ўлчов воситаларини калибрлаш

Ушбу Қонуннинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилгандан бўлак соҳаларда қўлланиладиган ва мажбурий текширувдан ўтқазилмайдиган ўлчов воситалари уларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш, ишлайтиш, ижарага бериш, таъмирлашда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб қиришда калибрлашдан ўтқазилиши мумкин.

Ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқи юридик шахсларнинг аккредитация қилинган метрология хизматларига берилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг метрология хизматларини ўлчов воситаларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун аккредитация қилиш тартиби ва калибрлашни ўтқизиш тартиби "Ўздавстандарт" томонидан белгиланади".

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **"Дўстлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 117-модда) билан тасдиқланган **"Дўстлик" орденининг тасвифи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Дўстлик" ордени 1 микро қалинликда тила қолган томпақдан тайёрланади ва ўн бир-бирига жойлаштирилган турли қатлақдаги, маркази битта бўлган иккита саққirin қиррали юлдуз шаклида бўлади. Катта ва кичик юлдузлар оралиги мо-

вий эмаль билан тўққирланган. Юлдузнинг бурчаклари орасида таралувчи зарҳал, учлари юмалоқланган нур тутамлари жойлашган. Катта юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиги 47 миллиметр, кичик юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиги эса 41 миллиметр.

Орденининг марказида, диаметри 12 миллиметрли доира ичида оқ қумушранг фонда қўлни қўлга бериб кўришиш рамзий тасвирланган бўлиб, қўлар тасвирининг айрим ёрлари зарҳалланган. Тасвир атрафида, товий эмаль берилган фонда ўн икки инсоний фазилат рамзи сифатида ўн иккита қумушранг юлдуз жойлашган. Сатҳида юлдузлар жойлашган доира диаметри 24 миллиметр. Бутун тасвир атрафида айлана жойлашган бўлиб, унинг оқори қисмига қизил эмаль билан нақш этилган **"DO'STLIK"** деган ёзув, пасти қисмига эса зарҳал дафна барглари жо бўлган. Айлана диаметри 33 миллиметр.

Орка томонининг пасти қисмида орденининг тартиб рақами 1 миллиметр қатталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган. Ордени мойий, яшил, сарик, қизил рангли, бир-биридан оқ йўл билан ажратилган, эни бир хил рангдор йўллий шойи лента сирилган қадағича ҳалқа ва илмоққа ёрдамида уланади".

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида"**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3; 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда):

1) **10-моддасининг биринчи қисми** "ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари Кенгашига ўзга сайлов тайинланганга қадар амалга оширилади" деган сўзлар билан тўққирлансин;

2) **11-моддасининг 12-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"12) депутатларга тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутаты гувоҳномасини ва кўкрак нишонини беради";

3) **17-моддасининг еттинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан кейин ўз фаолиятларини тўхтатдилар";

саққizinчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин;

42-моддасининг **учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Тегизли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ўзига таққир этилган ҳўжатларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳўжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, таққирый сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтқазилаётган таққирда эса икки кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилилади";

ўн иккинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўққир тўққирланганини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, таққирый сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтқазилаётган таққирда эса икки кунлик муддат ичида баёни тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига топширади";

5) **41-моддаси биринчи қисмининг олтинчи қисми** чиқариб ташлансин;

6) **42-моддаси биринчи қисмининг учинчи, тўққиринчи ва бешинчи жумалари** қуйидаги мазмундаги жумла билан алмаштирилсин:

"Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йиғирма беш кун қолганда, участка сайлов комиссиялари эса – ўн беш кун қолганда тўққирлади";

7) **47-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"47-модда. Депутатнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини

Депутатга халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини тегишли ви

МИЛЛАТИМИЗ ФАХРИ

Бурхониддин ал Маргинийни худди шундай улғу бобокалонларимиздан биридир

Бу йил мамлакатимизда номи катта ахиром билан ёд этилиб, таваллуд санаси нишонлангани арафасида турган, миллатимиз фахри, буюк ҳуқуқшунос Бурхониддин ал-Маргинийни хазратлари, шу-бхасис, шундай улғу бобокалонларимиздан биридир.



Аллома диёримизда илм-фан, маданият ниҳоятда тараккий этиб, халқимиз ва миллатимиз номи этти иқлимга ёйилган бир даврда яшаб, ўша беқиёс ютуқларга қўтулғу улғу қўшган эгидир.

Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк аждодларимиз одатда қонурий алломалар бўлганили билан ҳақли равишда фахрланамиз. Хазрат ал-Маргинийни ҳам илм-фан тарихида тенги буюк ҳуқуқшунос сифатида ном қолдириган бўлса-да, шу билан бир қаторда ҳам фақиҳ, ҳам ислом илмлари билимдони, ҳам шоир, ҳам маърифатпарвар бўлганлиги ҳам айни ҳақиқат. Аллома қатор асарлар таълиф этган бўлиб, у кишининг бугунги кунда китобхона ва муштарийларига анча таниш бўлиб қолган «ал-Хидойа» асари «чиндан ҳам муаллифи ижодининг гулгоҳидир. Зеро, бу асарда ҳазрат илмий ижодининг бутун мазмун-моҳиятини муҳассам бўлгандай кўяди.

Бугунги кунда юртимизда жамиятимиз маънавий камолоти хусусида саъй-ҳаракат авж олган бир пайтда айнан аллома ўғитларига эътибор қаратгинг келадди.

Ахлоқсиз олим катта фасоддир
Тарки дунё қилган
жоҳил ундан ҳам ёмон.
Булар икки
дунёнинг кушандасидур
ким улар орасида
қилган топғайдир омон.

Ушбу сатрларни ўқиркан, беҳишга тўқилганда киши Чиндан ҳам хоҳ диний, хоҳ дунёвий илм соҳиб бўлиб туриб, ўз илми малакасини хайрли ишларга, ўзаро аҳиллик ва фаровонлик, таракқиёт ва маърифат тарқатиш йўлида сарфламаса, бундай олим жуда катта бузғунчидир. Ҳақиқий мўминлик, мусулмончилики тарки дунё қилишда деб биладиган жоҳилларнинг зарари эса дин учун ҳам, дунё учун ҳам беадаб. Таассуфки, икки хилдаги бу тоифа одамлар икки дунё саодатининг ҳақиқий кушандаси эканлигини ҳаётимизда рўй берган баъзи бир воқеалар ҳам тасдиқлаб қўйди. Бундай қимсаларга билиб ёки билмай эргашганлар бу дунёда ҳам на обрў, на ахиром ва на эътибор топмадилар, балки охираат савоибдан ҳам ноумид қолдилар. Бундай одамларга ҳамзамон бўлган кишилар ҳақиқий динларини билсинлар, таълим олиб, билим ва маърифатлари билан маънавиятларини бойитсинлар. Фақат шу йўл билангина Ватан ва жамиятга манфаати тегадиган баркамол инсон бўлсалар ва шу тариқа киши дунё саодатини топсалар ажаб эмас.

Алломининг юқорида зикр қилинган ва ундан ташқари жамият таракқиётида зарур бўлган турли жаҳазлар — тижорат, зироят (қишлоқ ҳужалиги), моливий, иқтисодий масалалардаги илгор гоиларни ҳозирги кунимизда ҳам аҳамиятли ва фойдалидир.

Халқимизда ўтмишсиз келажак йўқ, деган нақл бор. Бугун биз буюк бобокалонимиз илмий меросининг ҳозирги кунда ҳам аҳамиятли эканлиги ҳақида сўз бошладик, ҳолок. Аждодларимиз илмий, маърифий ва маънавий мероси бугун ҳам бизларга наф келтирар экан, улардан ўрнак олиб, эл-юрт учун ҳалол хизмат қилиб, уларнинг табаррук руҳларини шод айламақлик биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Хазрат ал-Маргинийни маънавиятнинг озукиси илм ва маърифат деб ҳисоблайди. У айниқса илм аҳлини жамият маънавий камолоти учун масъулиятли деб билади. Жумладан, шогирдлари, қиз болани турмушга узатиш учун мебель тўғламлари со-

ноти йигит кишининг шарофли бурчи. Энди ота-оналар хинмат қилиб фарзандларига маъқул меъёрларда, уларнинг ўртасидан иттифоқни эришга қилладиган тартибда ёрдам қилмоқчи истасалар, бу ҳам дуруст. Хар қалай эл юқини кўтарадиган, юртга қалқон бўладиган эркаклар оилада ўз мақомларида туриши, азиза аёлларимиз тиричилик ташвишда гирён кезишга мажбур бўлмағилари мақсадағи мувофиқ.

Биз дастлабки мисолни никоҳ ва оилага алоқдор фикрлар билан беҳиз боғламадик. Зеро, жамиятнинг негизи оиладир. Шунинг учун ҳам оиланинг бошланиши тўғри ва аждодларимизнинг энг пок ва илгор аъёнлари рига мувофиқ равишда бўлиши лозим. Зеро, инсон маънавиятининг бешиги ҳам, аввало, оиладир.

Хазрат ал-Маргинийни маънавиятнинг озукиси илм ва маърифат деб ҳисоблайди. У айниқса илм аҳлини жамият маънавий камолоти учун масъулиятли деб билади. Жумладан, шогирдлари, қиз болани турмушга узатиш учун мебель тўғламлари со-

Республикамизда 600 дан кўпроқ газета ва журналлар чىқаяпти. Бу озми ё кўпми — буни хаёт ва таракқиёт хал этиди. Бирок шунча газета ва журналларнинг ўз ўқувчилари ҳам бор. Шуниси қизиқи, республи-

ЎЎЛИНИ ЁРУФ БЎЛСИН, МАШХУРА!



кадаги даврий нашрларнинг саифага янгилари қўшилмоқда.

Бундан бир мунча бурун «Машхура» деган янги журнал киоскаларда кўрина бошлади. Демак, биз шу пайтгача билган хотин-қизлар нашрлари ёнига янги-си қўшилди. У Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси муассислигида чоп этилмоқда. Журналининг таҳрир хайъати орасида Дилбар Ҳайомова, Фариди Абдурахмонова, Машхура Юсупова каби чиндан ҳам машхур аёллар бор.

«Инсониятнинг энг катта бойлиги — аёлдир», деган шир остида босмадан чиқатган бу журнал бошдан-оёқ хотин-қизларнинг ҳаёти, тақдир, меҳнати ва муаммолари ҳақида. Унинг саҳифаларида тадбиркор ва санъаткор, ёзувчи ва спортчи, ҳунарманд ва ўқитувчи каби турли-туман аёллар тўғрисида ўқишингиз мумкин. Журнал саҳифаларида шеър, қиссалар ва ҳикоялар ҳам босилмоқда. «Дунё аёллари» рўқни остида хорижий аёллар тўғрисида ҳам ўқишли материаллар берилмоқда. Журналда аёлларнинг саломатлиги, аёлларнинг модаси, кундалик турмуш шартинига доир масалалар ҳам кенг ўрин олапти.

М. САФАРОВ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатилуш учун қулай
- ёнгиндан хавфсиз.

Яққа буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.



Манзил: Тошкент ш., Бектормон тумани, «Озодлик» шаҳарчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилларларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94. Қўбўши ш., «Фоникс К» фирмаси, 30761. Тел.: (43522) 30761. ©/1907

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОАИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

2000/2001 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

МАГИСТРАТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ипақ технологияси; Табиий толаларни ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари; Йиғириш технологияси; Тўқимачилик технологияси; Трикотаж технологияси; Тикув буюмлари технологияси; Тикув буюмларининг конструкцияси; Чарм буюмлар технологияси; Енгил санаят маҳсулотлари технологияси педагоги; Менежмент; Пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш-кимёвий технологияси ва жиҳозлари; Машина ва механизмлар назарияси; Тўқимачилик ва енгил санаят машиналари ва аппаратлари; Матбаа ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари.

Ҳужжатлар 2000 йилнинг 20 июнидан 20 июлигача қабул қилинади. Иттиҳон ва тест синовлари август ойида ўтказилади.

Мурожаат учун манзили Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5. Тошкент тўқимачилик ва енгил санаят институти. Телефонлар: 53-06-06; 53-36-66. Факс: (3712) 52-17-36.

Мўлжал: «Аския» бозори, 11-троллейбус, 32 ва 77-автобусларнинг «Тошкент» тўқимачилик ва енгил санаят институти» бекати.

Наманган шаҳрида «Ахмадбек-С» кооперативга қарашли давлат рақами 01-92 НАМ бўлган Камаз 5320 автомашинасига берилган АТ 0014365 халқаро тоифадаги лицензия қарточкаси йўқолгани боис бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДЕҲҚОН, БУЮМ БЎЗОРЛАРИ ВА САВДО ЯРМАРКАЛАРИ УЮШМАСИ

«ТОШБЎЗОРТАЙЕРЛОВСАВДО»

БОШҚАРУВИ
УЮШМА АППАРАТИНИНГ
БЎЛИМЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН
30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ОЛИЙ
МАЪЛУМОТЛИ ИҚТИСОДЧИ,
МУҲОСИБ ВА ҲУҚУҚШУНОС
МУТАХАССИСЛАРНИ
ТАНЛОВ АСОСИДА

ИШГА ТАҚДИФ ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун манзилимиз: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй. Мўлжал: Тошкент автомобил йўллари институти. Телефонлар: 136-71-73, 136-71-76, 136-71-61, 133-51-56. Факс 136-71-81. Уюшма бошқаруви.

«ТЕЗИНТОМ» ЎЗБЕК-GERMAN ҚЎШМА ҚОРҲОНАСИ-МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯННА

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИДИР.

Металлчерепица

Энди бу КАМБ МАТЕРИАЛ Ўзбекистонда тайёрланмоқда.

Энг олий, жаҳон андозлари даражасида.

Металлчерепицалар кенглиги 1,033 м узунлиги 0,81 м Осиёда 10 метрча 1-ва. метрнинг элони 2,55 м

Ишлаб чиқариш учун ҳаммаш Голландиядан келтирилди.

Буюртмачининг хоҳлига кўра, томи ёниш бўйича йўриқнома тақдим этилади. шунингдек, масалаларни муҳассис ариятаниши ҳам мумкин.

Тўғри шакли — испитланган.

«ТЕЗИНТОМ» КК. Тошкент, А. Муҳаммадиев кўчаси, 1. Тўғри — 1

Қўйидаги рақамлар буюртма телефон ҳисобига, Ҳисоб: 162-41-05. 162-78-59, 162-42-47, 162-96-31. Факс: 162-41-05. tezintom@globalnet.uz

Vinlad

Ёнғиннинг олдини олиш муҳофазаси;
Киришни чеклаш тизимлари;
Домофонлари;
Овоз бериш тизимлари;
Телекузатиш муҳофазаси тизимлари

ва бошқа ҳавфсизлик тизимлари.

Ўзбекистон Республикаси, 700022, Тошкент ш., Қўшбеги к., 18.

Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13; факс: (998 712) 50-03-61. E-mail: vinlad@naytov.com.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг халқ ва шикоятлар бўлими мухаррири Исмомил Сулаймоновга юзидан мутарамаси

Муборак ая НАЗИРБЕКОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон нашриёти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси ўринбосари Ш. Е. Ахмедовга отаси Ёлқубон АХМЕДОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон автомобил йўлларини куриш ва фойдаланиш «Ўзавтйўл» давлат акционерлик концернини жамоаси масъул директори Абдушукур РАШИДОВнинг беавақ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий ҳолдинг компанияси меҳнат жамоаси «ЎзЛТИ» Инфетгаз» очик турдаги акциядорлик жамияти директори Абдушукур РАШИДОВнинг беавақ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
Р. САФАРДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҷ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатмлар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва харбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусахҳах — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қўғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириш вақти — 21.20
1 2 3 4 5 6